


Сизни COVID-19
профилактикаси учун
яратилган вакцинанинг
клиник синовида
иштирок этишга таклиф
қиламиз

Икки томонлама
номаълум, плацебо
назоратли III фаза
клиник синови



Ушбу клиник синовлар

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги


Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ва Хитойнинг Anhui Zhifei Longcom
Biopharmaceutical
ҳамкорлигида амалга оширилмоқда





Хитойнинг


Zhifei Longcom Biopharmaceutical

*компаниясининг ZF2001
рекомбинант вакцинаси*

A photograph of two female call center agents in a bright office. They are wearing white shirts and headsets with microphones. The agent in the foreground is looking towards the right, while the one in the background is looking towards the left. They are seated at desks with computer monitors.


**Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади
рекомбинант вакцинанинг 18 ёш ва ундан катта
ёшдаги одамларда COVID-19 инфекциясининг ҳар
қандай даражадаги ҳолатларини олдини
олишдаги хавфсизлиги ва самарадорлигини
аниқлашдир.**





Тузилмавий-бошқарув дизайни

РДБ-димерининг ягона боғламини қайталанувчи тандеми





Ушбу тадқиқотда иштирок этиш ёки этмаслик тўлақонли ихтиёрий.

Агар сиз ушбу синовда иштирок этишга қарор қилсангиз, розилик хатига имзо чекишингиз ва уни бир нусхасини ўзингизда сақлашингиз сўралади.

Синовда қатнашишга қарор қилишингиздан аввал, COVID-19 га алоқадор симптомлар йўқлигини ва COVID-19 инфекциясини бошдан кечирмаганлигингиз муҳим саналади.

A doctor in a white coat and stethoscope is sitting at a desk with a laptop, talking to a patient. The doctor is on the right, and the patient is on the left. The background shows a bookshelf and a window.

Вакцинацияга кўрсатма:

- 18 ёшдан катта бўлган соғлом одамлар;
- Сурункали хасталиги бўлмаган инсонлар;
- COVID-19 билан хасталанмаган кўнгиллилар
- Синовда кўнгилли бўлиб қатнашиш учун рози бўлган ва COVID-19 профилактикасига ўз хиссасини қўшиш истагини билдирганлар.



Кўнгиллилар скрининг пунктларимизга ташриф буюриб аввалига электрон тизимимиздан руйхатдан ўтадилар

Сўнг тиббий кўрик учун малакали шифокорлар томонидан скрининг текширувига таклиф этилади

Шифокорлар билан мулоқот вақтида барча саволларга жавоб топиб, бирламчи кўриктан ўтадилар

Кўнгиллиларнинг барча антропометрик кўрсаткичлари қайд этилгандан сўнг уларни қон тахлиллари пунктига таклиф этилади

Қон тахлилида экспрес усулдан фойдаланиб IgG ва IgM мавжудлиги текширилади (жараён 20 дақиқа талаб этади)

Қон тахлилларидан сўнг бурундан суртма олиниб ПЦР усулида текширилади


Барча тахлиллар натижалари аниқ бўлгач кўнгиллилар кейинги босқичга - вакцинацияга таклиф этилади



**Сиз тадқиқотга қабул қилинган
кунингизни эртасигаёқ вакцинанинг
1-дозасини қабул қиласиз,**

**2-дозани эса 30-кун ва 60-кун эса 3-дозасини
чап қўл елка дельтасимон мушак орасига
инъекция орқали қабул қиласиз.**





**Ушбу тадқиқот давомида сизни саломатлигингни
1 йил давомида малакали мутахассислар назоратига олинади ва соғлигингиз тиббий
суғурталанади.**

**Ушбу тадқиқот давомида сизни саломатлигингни ўз вақтида ўрганиш учун тадқиқот
жойига, яъни поликлиникага жами 11 марта ташриф буюришингиз лозим.**

Саралашдан ўтиш

**1-доза вакцинани қабул қилиш куни
1-дозадан сўнг 8 кун ўтиб**


**2-доза эмлаш қабул қилиш куни
2-дозани қабул қилганингиздан 8 кун ўтиб**

**3- дозани қабул қилиш
3-дозадан 8 кун ўтиб
3-дозадан 14 кун ўтиб
3-дозадан 1 ой ўтиб
3-дозани қабул қилгандан 6 ой ўтиб
3- дозадан кейин 12 ой ўтгандан кейин**

Ушбу синов давомида Сизга йўл кира ҳаражатлари ва сарфланган вақтингизни қоплаш мақсадида товон пули берилади.


Агар сиз ушбу синов талабларига мос деб топилсангиз ҳамда ушбу синовда охиригача қатнашсангиз жами 100 АҚШ доллари миқдорида товон пули оласиз.





20.01.2021й. ҳолатига кўра
клиник синовда 3707
нафардан ошиқ
кўнгиллилар мазкур
вакцина билан эмланди.

Эмланган кўнгиллилар орасида
эмлашдан кейинги реакциялар ва
салбий асоратлар кузатилмади



Кўнгиллиларни янги коронавирусга қарши ZF2001 рекомбинат вакцинасининг III фаза синовларида иштирок этишга таклиф этамиз!

СИНОВДА ФАҚАТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АҲОЛИ ИШТИРОК ЭТАДИ!

Ўзбекистонга Хитойнинг Anhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical компанияси томонидан замонавий усуллар ёрдамида ишлаб чиқилган вакцина партияси олиб келинган бўлиб, у ўзида вирус сақламайди. Шу сабабли COVID-19 инфекциясини келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд эмас ва у дунёдаги энг хавфсиз вакцина тури ҳисобланади.

Синовда 18 дан 70 ёшгача бўлган аввал коронавирусга чалинмаган кўнгиллилар иштирок этиши мумкин.

Ушбу синов давомида сизга ҳар 30 кунда 3 доза вакцина ёки назорат эритма (плацебо) юборилади. 1 йил давомида шифокорлар назоратида бўласиз. Синовга алоқадор ҳар қандай ножўя таъсирлар суғурталанади. Синов жараёнининг ҳар бир босқичи халқаро стандартлар асосида олиб борилмоқда.

*** Обязательно**

Ф.И.Ш *

Мой ответ

Яшаш манзилингиз (Синовда фақат Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи аҳоли иштирок этади!) *

Мой ответ

Телефон рақамингиз *

Мой ответ

Ёшингиз *

Мой ответ

Жинсингиз

Эркак

Аёл

Covid-19 га чалинганмисиз? *

Ҳа

Йўқ

Юқоридаги маълумотлар тўғрилигини тасдиқланг *

Тасдиқлайман



COVID-19 га қарши
курашда ўз
хиссангизни
қўшганингиз учун
ташаккур!